Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 23 октябрь, чоршанба **Баҳоси сотувда эркин нархда.** **№ 80 (6777)**

Даъват

Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш.

ДЕМОКРИТ

Ибрат

Халқаро «Навруз» хайрия жамғармаси яқинда Тошкент туманидаги 12-болалар боғчаси қошида ташкил этилган уй-боғча тарбияланувчиларига «Семурғ» телевизори, турли ўйинчоқлар ҳамда бошқа совғалар тортиқ қилишди.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўтган шанба куни «Дўрмон» қароргоҳида Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси ва Президент Фаррух Аҳмадхон Легҳарий бошчилигидаги Покистон Ислом Республикаси расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

⊛ Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги IV учрашувида қатнашиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Дэмирэл Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан яккама-якка суҳбатлашди. Шунингдек, С. Дэмирэл икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида бунёд этилган биноларни кўздан кечирди.

⊛ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов душанба куни Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди.

⊛ Россия Президенти Борис Ельцин мамлакат Давлат думасининг раиси Геннадий Селезнёв билан учрашди. Унда Президент билан парламент муносабатлари ҳамда А. Куликов билан А. Лебедь ўртасидаги келишмовчилик муҳокама этилди.

⊛ Афғонистон генерали Абдурашид Дўстум Толибон кучларини муросага келишга чақирди. Аҳмад Шоҳ Маъсуд етакчилигидаги кучларнинг Кобулга ҳаракатини толиблар тўхтатиб туришибди.

ТОШКЕНТ: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ IV УЧРАШУВИ

Қардош халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётган бу анъанавий учрашувда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрдилар. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

21 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов учрашувни очиқ деб эълон қилар экан, кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари ҳақидаги, туркий тилли давлатлар муҳим саналарини байрам қилиш ҳақидаги, шунингдек, Тошкент Декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви ўрни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар кўйилганини маълум қилди.

Суратда: туркий тилли давлатлар Президентлари.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов сўзладилар.

Қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар. Бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Қардош халқларнинг муҳим тарихий саналарини биргаликда нишонлаш уларнинг ўзлигини англашида ва маънавий бирлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада тараққий эттиришда коммуникация тармоқларини мустаҳкамлаш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни янада ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Учрашув ниҳоясида қардош давлатлар Президентлари олий даражадаги анжуманнинг муҳим натижаси бўлган Тошкент Декларациясига имзо чекдилар. (Бу ҳужжат матбуотда эълон қилинмоқда).

Учрашувда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳ. Алиев, Туркия Президенти С. Демирэл, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев журналистлар билан учрашиб, уларни олий даражадаги анжуман якунлари билан таништирди. Президентлар журналистларнинг турли саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

МММ

ХАБАРЛАРИ ХАБАРЛАРИ

ТАДБИРКОР МУАЛЛИМЛАР

Сариосиё туманидаги Ғафур Ғулом номли 39-ўрта мактаб ўқитувчилари ўз ташаббуслари билан мактаб боғига 10 минг туп терак ва 1000 туп мевали дарахт кўчатларини утказишганди. Бугунга келиб, мактаб боғидаги терак кўчатлари бўй чўзиб, мевали дарахтлар эса ҳосил бера бошлади. Бу йил мактаб жамоаси барпо қилган мазкур боғдан 20 минг сўм даромад олди. Энди эса тадбиркор ўқитувчилар давлатдан ер олиб, бугдой ва картошка етиштиришни мўлжаллашмоқда.

BOG'DAGI UCHRASHUV

Poytaxtimizdagi A. Nabiev nomli bolalar va o'smirlar ijodiyoti markazi bog'ida bolalarning yozuvchi Toxir Malik, shoirlar Abdulxay Nosirov va Sabriddin Sadriddinovlar bilan ijodiy uchrashuv kechasi bo'lib o'tdi.

Kechada iste'dodli o'quvchilar o'z ijodi namunalaridan yig'ilganlarni bahram'and etdi. Ayniqsa «Hulkar» yosh ijodkorlar to'garagi qatnashchilaridan Go'zal, Malika, Mamuraxonlarning she'rlari davraga o'zgacha fayz kiritdi.

Darhaqiqat,bolalarimiz qalbini adabiyot nuri yuvib turgan ekan, u yurakda ezgulik ham bor.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Самарқандда бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Узбекистон учун аҳамияти» мавзуида йирик халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуман Халқаро Амир Темур жамғармаси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ва Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Германия, Франция, Англия, Ҳамдўстлик давлатлари ҳамда республикамизнинг йирик тарихчи олимлари, темурийлар даврини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий марказлар вакиллари фаол иштирок этишди.

Муаллифлар: Ҳ. ҚОДИРОВ, M. MURODOVA,Э. МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Хайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қиргизистон Республикаси, Президенти Асқар Акаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов ва Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 8 августда Бишкекда олий даражадаги учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 1996 йил 21 октябрда Тошкентда олий даражадаги тўртинчи учрашувни ўтказдилар.

Улар:

Анқара баёноти, Истамбул ва Бишкек декларациялари узвийлигини тасдиқлаб;

турк тилида гаплашувчи давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик турли соҳаларда тез ривожланиб бораётганини мамнуният билан қаид этиб;

тинчликни, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий иқтисодий тараққиёт йўлида ҳаракат қилиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларига содиқликни яна бир бор таъкидлаб;

мустақиллик, истиқлол, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб;

қардошлик алоқаларини янада ривожлантиришга интилиб;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва меъёрларига мувофиқ равишда халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашга доир ўз мажбуриятларига риоя этиб;

ўз мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқиб, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашиб,

қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатлари ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишидан мамнуният изҳор қилдилар ва уларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкиладилар.

2. Давлат бошлиқлари демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига қатъиян ва доимий содиқликларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

3. Давлат бошлиқлари фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликдан катта мамнуният изҳор қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ҳамда туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини оммалаштиришни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари Турксўй ташкилоти олдида туркий тилли мамлакатлар халқларининг маданияти, тили ва маънавий қадриятларининг мустаҳкамлиги асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турганини таъкидладилар ва бу ташкилотнинг таъсирини оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

4. Давлат бошлиқлари Тошкентдаги олий даражадаги тўртинчи учрашув буюк Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кенг байрам қилинаётган даврда ўтаётганини эътиборга олиб, туркий тилли халқларнинг тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳон аҳамиятига молик буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ унутилмас саналарни биргаликда байрам қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Давлат бошликлари Турксўй ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ тарихий саналар жадвалини ишлаб чиқишни, бу саналарни байрам қилишга маданият соҳасидаги халқаро ташкилотларни, биринчи навбатда ЮНЕСКОни жалб этиш имкониятларини ўрганиш вазифасини топширди. Буюк турк ҳоқонлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятлари ўрганилсин ва туркий тилли давлатлар бошлиқларининг у учрашувига шу масалага доир тадбирлар режаси тайёрлансин.

5. Давлат бошлиқлари туризм йўналишлари тармоғи ҳамда шунга мувофиқ равишда туризмнинг инфра тузилмаларини унинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган турли шаклларини кенгайтириш мақсадида, «Ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меросини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва мунтазам ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

6. Давлат бошлиқлари ахборотларни айирбошлаш соҳасида вужудга келган ижобий тамойилларни мамнуният билан қайд этадилар ва туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, оммалаштириш ва ёйишда ўз мамлакатлари оммавий ахборот ва алоқа воситаларининг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва турли соҳалардаги тажрибани айирбош қилиш мақсадида туркий тилли давлатлар маҳаллий бошқарувлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга аҳд қилдилар.

7. Давлат бошлиқлари туркий тилли давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини барча чоралар билан ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграция жараёнларига кўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқдаги ғовларни бартараф этиш ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар ҳужалик алоқаларини амалга ошириши чоғида ўзларининг халқаро мажбуриятларига путур етказмаган ҳолда товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг ягона бозорини барпо этиш мақсадида, улар учун қулай ҳуқуқий режим ўрнатишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари тегишли давлат тузилмалари божхона ва транзит тадбирларини янада соддалаштириш, ўзаро савдо-сотиқни, молия ва банк операцияларини чеклаётган ва қийинлаштираётган ғовларни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ, нефт ва гидро энергетика ресурсларини ишга солишнинг ва қазиб чиқаришнинг ғоят муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар. Улар энергия манбаларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қувурлар ётқизиш ва электр линиялари қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, у лойиҳаларга манфаатдор давлатларни, халқаро молия ташкилотларини, давлат тузилмалари ва хусусий тузилмаларни жалб этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни маъқулладилар.

Давлат бошлиқлари Туркия орқали Ўрта денгиз соҳилларига ва Европага нефт-газ қувурлари ётқизиш билан боғлиқ бўлган ва тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилган ишни мамнуният билан қайд этадилар.

9. Давлат бошлиқлари минтақада иқтисодий нақлиёт тизимларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Транскавказ йўлагини ишга солган ҳолда транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Сарас тўрт томонлама аҳдномасини (1996 йил) тезроқ амалга оширишни маъқулладилар ва Трасек лойиҳалари бўйича Европа Иттифоқи саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

Шунингдек, улар «Шимол-Жануб» транспорт йўлагининг бир қисми сифатида Ҳинд океанига чиқадиган «Марказий Осиё—Афғонистон — Покистон» транспорт йўлини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

10. Давлат бошлиқлари БМТ тараққиёт дастурини, жаҳон банкини, жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини ўтиш даврида туркий тилли мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янада фаол ҳаракат қилишга чақирадилар.

11. Давлат бошлиқлари:

— базис ва махсус таълим сифатини оширишга, меҳнат кўникмалари ва касб тайёргарлигини ривожлантиришга ҳамда малака оширишга алоҳида аҳамият бериб, маблағ ва инсоний ресурсларни ишга солиш йўли билан;

— фақат рақобатбардошли маҳсулот яратибгина қолмай, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш жойларини ҳам барпо этадиган янги технологияларни оммалаштиришга кўмаклашиш йўли билан ўз мамлакатлари иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини оширишни маъқулладилар.

12. Давлат бошлиқлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор таъкидладилар ва Орол денгизи атрофидаги экология вазиятини барқарорлаштириш юзасидан халқаро миқёсда қатъий чоралар кўришга чақирдилар.

13. Давлат бошлиқлари наркотик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, уларга талаб ҳамда бундай моддалар оборотининг қуламлари ва ўсиш тамойилидан, шунингдек уларни ғайриқонуний равишда ташиш учун туркий тилли давлатлар ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигидан ташвишланаётганликларини изҳор этиб, бангфурушликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, наркотик моддалар оборотини назорат қилиш бўйича халқаро сиёсатга кўмаклашишга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлайдилар. Шу муносабат билан ҳозирги асрнинг 90-йилларида, айниқса, авж олган уюшган жиноятчилик бангфурушлик ва терроризм билан мустаҳкам боғлиқлиги ва терроризм учун молиявий манба бўлиб қолаётганидан хавотирда эканликларини таъкидладилар.

14. Давлат бошлиқлари терроризм ва сепаратизмнинг янги жунбушидан жиддий ташвиш изҳор қилиб, терроризм, сепаратизм ҳолларини (ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини жиддий равишда камситгани учун) қаттиқ қораладилар ва ана шундай ҳолларга қарши кураш мақсадида жаҳон ҳамжамияти кураётган чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар, уларни тезроқ ва кенг миқёсда амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар. Давлат бошлиқлари эндиликда чегара нималигини билмайдиган терроризм ва сепаратизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг зарурлигини яна таъкидладилар.

15. Давлат бошлиқлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларини очиқдан-очиқ бузиш оқибатида юз берган можаролар давом этаётганидан чуқур ташвиш билдирдилар ва мазкур қоидаларга сира кечиқмай риоя қилишга чақирдилар. Давлат бошлиқлари Арманистон билан Озарбойжон ўртасидаги можарони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарори асосида тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини тасдиқладилар ва бу можаронинг бартараф этилмагани минтақада тинчлик жараёнига, ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга путур етказаётганини таъкидладилар.

16. Давлат бошлиқлари ўзаро маслаҳатлашувлар ва ташкилий-техник ишларни мунтазам ўтказиб туриш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг котибиятини тузиш тўғрисида келишиб олдилар. Котибият тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш Ташқи ишлар вазирликларига топширилди. Котибият зиммасига туркий тилли давлатлар бошлиқлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари учрашувларига материалларни тайёрлаш, туркий тилли давлатлар тили, маданияти ва ютуқларини тарғиб қилишга бағишланган семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиш, туркий халқларнинг, ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги ҳаёти тўғрисида тарихий-адабий манбаларни излаш, саралаш ва нашрга тайёрлашга доир вазифалар юклатилди.

17. Давлат бошлиқлари самимий ва дўстона вазиятда ўтган Тошкент учрашуви туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ишида шубҳасиз муҳим босқич бўлади, деб таъкидладилар.

Анқарадаги олий даражадаги бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, давлат бошлиқлари навбатдаги учрашувни 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон Республикаси пойтахтида ўтказишга келишдилар.

Ушбу декларация 1996 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида ҳар бири турк ва рус тилларида олти нусхада имзоланган.

Озарбойжон Республикаси Президенти	Ҳайдар АЛИЕВ
Қозоғистон Республикаси Президенти	Нурсултон НАЗАРБОЕВ
Қирғизистон Республикаси Президенти	Асқар АКАЕВ
Туркия Республикаси Президенти	Сулаймон ДЕМИРЭЛ
Туркманистон Президенти	Сапармурот НИЁЗОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ислом КАРИМОВ

ОЛИМЛАР БОШ ҚОТИРИШМОҚДА

Сақични ҳуш кўришингиз табиий, лекин уни чайнаб юрганларнинг миокард инфарктига кам учрашини билмасангиз керак. Бундай боғлиқликни АҚШ Мэрилэнд штатидаги Миллий медицина статистика марказида аниқлашди. Ҳозир олимлар бу синоатнинг сабаби устида бош қотирмоқдалар.

НИЛМИ ЁКИ АМАЗОНКА?

Энг серсув Амазонканинг бош ирмогини тўрдек ёйилиб кетган дарёлар ичидан аниқлаб топиш польшалик олим Яцек Палкевич экспедициясига насиб этди. Бу осмон бағридаги — 5170 метр баландликдаги Апачета дарёси бўлиб чиқди. Бразилия Космик тадқиқот институти эса ўтган йилиёқ спутник ер сунъий йўлдошидан олинган карталар асосида Амазонканинг узунлигини 7100 км, яъни Нил дарёсидан салкам 400 км узун деб эълон қилганди.

МАЪРИФАТЛИЛАР ЮТУҒИ

Швеция қироллик фанлар академияси 1996 йилги Нобель мукофоти совриндорларини эълон қилди ҳамда уларга 7 млн. швед кронасини топширди. Физика соҳасида мукофотни бир йўла уч АҚШ олими — Д. Ли, Дуглас Ошерроф ва Роберт Ричардсон олдилар. Химия соҳасида ҳам икки АҚШ ва бир инглиз олими унвонлик бўлдилар.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МАОРИФ ОЛАМИДА

СПИДНИНГ ИККИНЧИ НОМИ

АҚШ да йилига автомобиль ҳалокатидан 55 минг, миокард инфарктидан ярим миллион, СПИД касаллигидан эса 22 минг киши ҳаётдан кўз юмаётган экан. АҚШлик иммунолог олим В. Квиташнинг фикрича, ҳар қандай одам касалликка енгилиш — қарилик сабабли иммунитетнинг пасайиб кетишидан вафот этади. СПИД эса ана шу ҳимоя кучи — иммунитетнинг умуман йўқолиши, яъни қарилликнинг мутлоқ ғалабаси экан. Олимнинг айтишича, унинг давосини топиш мушкул, бироқ бу вабо одамларнинг барчасига ҳам эмас, ўнтадан биттасига чанг сола оларкан.

АНТАРКТИДАДА ЕТИШГАН ҲОСИЛ

Бундай ютуққа Австралиядаги «Антарктида микроорганизмлари коллекцияси» номли илмий фонд олимлари эришдилар. Ҳар грамм музликда жуда мўл — 2 млн. бактерия яшар экан. Олимлар улар ичидан антибиотик дори моддалар чиқарувчи 30 хилини ажратиб олдилар. Бактерияларнинг яна бир тури эса ифлосланган сув, тупроқларни тозалаш, чиқиндиларни қайта ишлаш хусусиятига эга экан.

ЧОЙ — КАРИЕС ДАВОСИ

Маълумки, дунёда қора чойнинг тишдаги бактерияларга қарши курашувчанлиги кўп марта исботланган. Ҳозир олимлар диққат марказида қора ҳамда кўк чойда бўлувчи полефенол моддаси турибди. Бу модда ўз хусусиятларига кўра саратон касалининг давоси бўлиши мумкин экан.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ «ALIFBE BAYRAMI»

Ислоҳотлар амалда

Биринчи деганда «наҳотки?» дея ёқа ушлашингиз табиий. Лекин бу йил лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича биринчи синфларимиз ўқиш бошлашди-ку, десак, ҳа-а-а деб юборганингизни билмай қоласиз.

Ҳамза туманидаги 216-ўрта мактабнинг мажлислар зали ўтган сешанба куни гоят серфайз бўлди. Байрамона безатилган зал меҳмонлар, ота-оналар ҳамда чеҳраларида мамнуният балққан ўғил-қизлар билан гавжум. Улар мамлакатимиз ўрта мактаблари ўртасида илк бор ўтказилаётган лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича «Алифбе байрами»га тупланишди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар келди. Саҳнага зиё маскани директори Муқаддас Ҳасанова кўтарилди. У бир ярим ой ичида янги алифбени ўрганиб, ўқиш ҳамда математиканинг тўрт амалини зукколик билан ўзлаштириб олган 25 нафар ўғил-қизни қутлуғ байрам билан табриклаб, уларга ўзининг энг яхши ниятларини изҳор этди.

Таниш куй янграйди. 1-«А» синф ўқувчилари — жажжи санъаткор қизлар саҳнада гўё гулдаста мисоли пайдо бўлишади. Уларнинг ёқимли қўшиқ оҳангига мос шўх хиромлари тупланганларнинг эътиборини ўзига тортди. Саҳнага ҳазрат Навоий ҳамда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ташриф буюриб, болажонлардан хурсандчилик боисини сўрадилар. Улар эса бободларига бу қутлуғ зиё масканида «Алифбе байрами» ўтказаётганликларини бурро тиллари билан сўзлашди.

Хуллас, «Алифбе байрами» келажагимизнинг ворислари бўлган болаларимиз учун ҳақиқий билимлар қўрғонига, истеъдод намойишига айланиб кетди. Болалик деб аталмиш сирли оламнинг унутилмас китобига абадий муҳрланиб қоладиган бу байрам шодиёнасида «Шодлик» алифбе дарслигининг муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева, Эрон Ислом Республикаси элчихонаси иккинчи котиби Меҳроб Ражабий, ШУМОИ методисти М. Муйдинова, бошланғич синфлар математика дарслиги муаллифи Н. Бикбоева гимназия синфида савод чиқарган ўғил-қизларнинг ота-оналари, фарзандлари қувончига шерик бўлишди.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ватаннома

«Бир жон эмас, эй суйгули, томирларинг қони Ватан, Сенсан, бале, билганларга жонларнинг жонони Ватан.

Дарҳақиқат, шоир айтганидек, томирларнинг қони, танларимизнинг ширин жони Ватандир. Ватан тоғу тошларда бўладими, қиру адирларда бўладими, жаннатмакон боғларда бўладими, барибир биз уни севамиз. Ватан туйғуси эса чақалоқнинг илк бор она ва у орқали замин исини ҳис қилишидан бошланади».

САТРЛАРГА СИНГДИРИЛГАН САДОҚАТ

Бу парчани бежиз келтирмадик. Самимийлик ила йўғрилган бу сатрлар Тошкентдаги 254-мактаб ўқувчиси Маҳбуба Абдуллаева ёзган иншодан келтирилди.

Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» мавзусидаги иншолар кўрик-танловининг 3-тур босқичи ўтказилди. Унда пойтахтнинг 11 туманидан ғолиб ўқувчилар қатнашди.

Икки соат мобайнида бирбиридан мазмунли, Ватанга муҳаббат, садоқат нафаси сезилиб турган гўзал сатрлар битилди, дил тубидаги орзулар изҳор қилинди. Қувончлиси, қатнашчилар Ватан ҳақида баландпарвоз сўзлар ишлатмай, содда, аммо «теша тегмаган», оҳорли ташбеҳлар топиб фахр ила, ғурур ила ўз фикрларини баён эта олганлар. Узоқ тортишувдан сўнг ҳакамлар ҳайъати Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб ўқувчиси Умида Салимовага 1-ўринни муносиб деб топдилар. Умида ўз иншосида Ватанни **«ҳаётимнинг боши, қувватимнинг манбаи, ижодимнинг илҳомисан, жонажон ва меҳрибон онамсан, қалбимдаги эзгу ниятларимнинг тимсоли, мужассамисан»** дея улуғлаган. Бобурнинг Ватан ҳажрида чеккан оҳидан таъсирланган, Фурқатнинг кўзларига тўтиё айлагали бир сиқим Ватан тупроғига зор бўлганидан мурғак қалби озорланган Умидага шу нарса таскин беради: **«Ватанга бўлган интизорликлар миллионлаб ўзбек хонадонида меҳр бўлиб, оқибат бўлиб яшаб келмоқда».**

Яна иншода Ватанга садоқат, муҳаббат туйғуси ила битилган шундай сатрлар борки, беихтиёр сизни сеҳрлаб олади, ўқувчининг митти юрагидан жой олган Ватан туйғусига таҳсин айтгингиз келади: **«Ҳа, ватан саждагоҳдай пок, муқаддасдир. Бошини саждага қўйган инсон, энг аввало, Оллоҳга ҳамду саноолар айтади, унгагина бутун вужуди билан сажда қилади. Агар инсон Ватанидан юз ўгирса, у ўзининг неъматларини бутун дунёга улашаётган Оллоҳдан юз ўгирган билан баробар бўлади. Мен шу Ватан фарзанди эканман, элим деб, юртим деб ёниб яшаб хизмат қиламан».**

Юнусобод туманидаги 273-мактаб ўқувчиси Феруза Ҳамроева ҳар бир ишда боболар руҳи мададкор бўлишини истайди. **«Ўзбекистоннинг қаламин кучи тошни ёрадиган шоирлари, осмон илмини мукаммал эгаллаган мунажжимлари, ўткир билимли файласуфлари,** ҳам халқни бошқариб, ҳам қалам тебраттан юрт ҳокимлари, мафтункор ва сўлим боғлари, бой табиати бутун дунёни лол қолдириб келмоқда.

Таърифлашга қаламим ожиздир сени,
Сенинг меҳринг боис кўркамдир умрим.
Менинг жон диёрим,
Ўзбекистоним,
Муқаддас Ватаним, ҳам саждагоҳим».

Чилонзор туманидаги 179-мактаб ўқувчиси Шаҳзода Мирсоатова ўтмишга назар ташлаб бу тупроқ муборак зотлар ҳоки пойи ила муқаддаслигини таъкидлаб, шундай ёзади: **«Сенинг олтин қайнаган тупроғинг да қилич ўйнатиб Темур, юлдузларга қўл чўзиб Улуғбек, ўйга толиб Навоий, гуссага тўлиб Бобур, фарёд уриб Машраб, ақл машъалининг соҳиби Беруний вояга етди. Бундан беш йил аввал тақдиримиз осмонида Навоий бобомиз каромат қилган қуёш — мустақиллик қуёши порлади».**

Собир Раҳимов туманидаги 165-мактаб ўқувчиси Раъно Ҳотамова ҳам ўз бурчини она тупроқни эъзозлашда деб билади: **«Боболаримиз бу тупроқни авайлаб, шу тупроқ учун жонларини қурбон қилганлар. Мусулмонлар эса бошларини саждагоҳга қўйиб, Ватан тинчлигини тилаб тиловат қилганлар. Биз ҳам она тупроғимизнинг талонторож қилинишига қараб турмаслигимиз керак».**

Қўлимизда даста-даста иншолар. Ҳар бирида садоқат, меҳр-муҳаббат ўрин олган содда сатрлар. Фарзандларимиз қалбида шундай туйғулар бор экан, биз ҳам баралла айта оламиз: **Ўзбекистон келажаги ишончли қўлларда экан, унинг довруғи ҳам тилларда достон, боғлари бўстон, кунлари чароғбон бўлаверади!**

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси, танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси.

Ислоҳот одимлари

ЭРТАКЛАРДАН — ТАРАҚҚИЁТГА

Келажаги буюк Ўзбекистонга иқтидорли ўғил-қизлар керак. Бу фикр айни кунда миллатимизнинг кундалик шиори, дастури бўлиб қолаётир. Мактабни жамият кўркига айлантириш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси тафаккурида жилоланмоқда. Маориф тизимида янгиликлар кўпайиб, таълим-тарбия мазмуни моҳиятан бойиб бораяпти. Жойларда янги турдаги таълим муассасалари бўй кўрсатяпти.

Ана шундай муассасалардан бири Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 318-бошланғич мактаб-боғча мажмуасидир. Мажмуа ўтган йилнинг 21 октябрь куни «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамияти, туман ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан ҳукумат «Соғлом авлод учун» дастури асосида ташкил этилган эди. Куни кеча бу ерда ана шу мажмуа фаолият бошлаганлигининг бир йиллиги муносабати билан «Эртаклардан — тараққиётга» тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирда ўғил-қизларнинг чиқишлари орқали мажмуа жамоаси меҳнати намойиш қилинди. Унда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси раҳбарлари, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими вакиллари, ота-оналар иштирок этдилар.

Аслида Ватанга меҳр оиладан бошланиб, мактабда шакллантирилади. Шу жиҳатдан қараганда ушбу даргоҳда давлат рамзларига муҳаббат ўғил-қизлар онгига чуқур сингдирилаётгани эътиборга моликдир. Буни ўқувчилар она диёр, мустақил юрт, Амир Темур, тил ҳақидаги шеърларда намоён этдилар, инглиз, ўзбек, рус тилларида бурро-бурро сўзладилар.

Мажмуада бўлажак тадбиркорлар, дипломатлар, ЭҲМ муҳандислари, чет тили мутахассисларига замин тайёрланмоқда. Шу боис, ҳар бир синф ихтисосликлари бўйича 5-6 дақиқалик кўриниш намойиш қилди.

Очиғи, ўғил-қизларнинг чиқишлари меҳмонларнинг ҳар бирида ҳайрат уйғотди. Улардаги билим ва маҳорат мазкур масканга тайёрлов асосида саралаб олинган тарбиячи, муаллимларнинг фидойилиги, тинимсиз меҳнати туфайли юзага келгани шубҳасиз. Аввало, самарали меҳнат қилиш яратилган шарт-шароитга ҳам боғлиқ. Халқ таълими бўлими томонидан ойлик маошлар вақтида берилаяпти. «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамияти эса ўқитувчиларни ҳар ойда қўшимча тўлиқ маош билан таъминлаб келаётир.

Ота-оналар ҳам бир чеккада қараб турганлари йўқ. Улар нимаики топса (тувакларга ўтқазилган гулдан тортиб хонтахтагача), мажмуага олиб келишяпти. Ота-оналардан Қурбонбой Ёқуббоев, Миржалол Йўлдошевлар эса «саломатлик» майдончаси ҳамда сузиш ҳавзаси қуришда ёрдам беришни мўлжаллашган. Уларга: «Ҳимматингизга балли!» — дегиси келади кишининг.

Биз мажмуа раҳбари Ҳамид Хўжахонов билан бошланғич мактаб-боғчасининг кун тартиби, болакайларнинг дам олиши, ЭҲМ, расм, мусиқа, жисмоний тарбия, математика сабоқларининг, инглиз, ўзбек, рус, араб тиллари машғулотларининг бориши, шаҳримиздаги 40-мактаб билан компьютер соҳасидаги ҳамкорлиги, мажмуада қўлланилаётган муаллиф Лидия Апееванинг ўқувчиларни мактабга тайёрлаш дастури хусусида узоқ суҳбатлашдик. Ва амин бўлдикки, бу даргоҳда ўтказиладиган тадбирга «Эртаклардан — тараққиётга» шиори бежиз танланмаган. Зотан, мажмуада Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига лойиқ фарзандлар камол топаяпти, дейишга барча асослар бор.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ.

Бир замонлар Али Қушчидек зот Самарқанддан бош олиб кетар пайти бир қисм тупроқ олиб, кўзларида шашқатор ёш билан манзилга юзланган экан. Мирзо Бобурдек зот умр бўйи Ватан соғинчи билан яшаган экан. Юрт ишқида куйиб Фурқат фурқатда ўтган экан. Биз-чи? Биз бугун Ватан, юрт тушунчаларини қай йўсинда идрок этамиз?

Бу хил маънодаги сўзлар куни кеча пойтахтимиздаги шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида бўлиб ўтган «Давлат Рамзларининг Билимдонлари» деб номланган туманлараро кўрик-танловни томоша қилларканман, беихтиёр ёдимга тушди. Дарвоқе, мазкур кўрик-танловда туман биринчилигини қўлга киритган ғолиб жамоалар ўзаро куч

ВАТАН ТУШУНЧАСИ ШУУРИМИЗДА

синашдилар. Танловда Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳакамлар ҳайъати томонидан маълум қилинди. Кўрик-танлов давомида «Пахтаой» болажонлар гуруҳи ўз чиқишлари билан томошабинларга завқшавқ улашишди.

Гапнинг индаллосини айтсам, биз мухбирлар бўлиб ўтган жараёнларга чиройли «тўн» кийдириб саҳнага олиб чиқамиз. Бу сафар одатий ақидамиздан бироз четлаб ўтиб, ушбу кўрик-танлов хусусида томошабинлардан фикр сўрадик.

— Мен Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Муҳаммаджон Ҳудойназаров бўламан. Бугун бизнинг ўқувчиларимиз танловда биринчи ўринни эгаллади. Бу улкан ютуқ, албатта. Лекин мен ушбу ютуқдан жуда ҳам хурсанд эмасман. Бу ерда ўртага ташланаётган саволлар ҳаммаси оддий, осон. Лекин шунга ҳам болаларимиз бироз қийналгандек туюлади менга. Нега энди ўз Ватанимиз байроғи рамзи сўралганда қийналиб жавоб беришимиз керак? Бунга ҳақлимизми? Демак, биз ҳали болаларга нумунали сабоқ бера олмабмиз.

Бизнинг назаримизда эса шунга ўхшаш беллашувлар кўпроқ ўтказиб турилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Янги турдаги ўқув муассасаларида

КЕЛАЖАКНИНГ ТАМАЛ ТОШЛАРИ

Халқимиз узоқ йиллар кутган ва ниҳоят, қўлга киритган буюк неъмат — мустақиллик бизга турли соҳаларда кенг имкониятлар яратиб берди. Жумладан, чет эллар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш учун ҳам йўл очилди. Бу ҳол, ўз навбатида, чет тилларини қизиқиш билан ўрганувчилар сонини кўпайтирди. Натижада республикамиздаги ўрта маълумот берадиган ўқув муассасаларида чет тилларни ўргатишга ихтисослашган синфлар, янги мактаблар вужудга келди. Жумладан, Фарғона шаҳрида ҳам бу борада талайгина янгиликлар бўлди.

Шаҳарда ўтган йили дунёвий тиллар гимназияси очилган эди. Унда биринчи синфдан бошлаб инглиз тили чуқурлаштириб ўқитиляпти. 7-8-синф ўғил-қизлари шу ёшдан бошлаб француз тилини иккинчи тил сифатида ўрганмоқдалар. Ўқув режасига янгилик сифатида қўшимча равишда «Иқтисодиётдаги янгиликлар», «Ўзбекистоннинг сиёсати ва маданияти», «Республика экологияси», «Ўзбекистоннинг улуғ кишилари» каби мавзулардаги машғулотлар киритилган. Демак, бундан кўринадики, болалар дарсларда тил ўрганиш билан бирга дунёвий илмлар,янгиликлар, долзарб муаммолар билан ҳам танишиб борадилар.

Машғулотларда интенсив педагогиканинг коммуникатив услуби кенг қўлланиляпти. Натижа эса чакки эмас. Ўқувчилар ўзаро мулоқот орқали чет тилларини тез ўзлаштиришмоқда.

Ҳозир дунёвий тиллар гимназиясида француз тили 7-синфдан 10-синфга қадар ўргатиляпти. Энди ўқув режасига немис тилидан сабоқ бериш ҳам киритилади. Шунингдек, шаҳардаги 11 та мактабда ва «Шодлик» ҳамда «Парвоз» гимназияларида ҳам чет тиллар биринчи синфдан эътиборан чуқурлаштириб ўқитиляпти.

Янги турдаги ўқув муассасаларининг вужудга келиши янги ўқув қўлланмалари, дарсликларга бўлган эҳтиёжни кучайтириб юборди. Мана шундай пайтда бу борада юқоридан юбориладиган тайёр материалларни ёки кўрсатмаларни кутиб ўтириш нотўғри бўлур эди. Сирасини айтганда, шаҳар халқ таълими бўлимининг ташкилотчилигида бу ишга муаллимларнинг ўзлари киришдилар. Натижада инглиз, немис ва француз тилларини чуқур ўрганишга ихтисослашган қатор ўқув қўлланмалари, методик ишланмалар, дастурлар тузилди.

Ҳозирги кунда янги ўқув муассасаларида мазкур ишланмалар кенг қўлланилмоқда.

Яна бир янгилик — умумтехника лицейи ва кимё-биология лицейларида ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизимига ўтилди. Энди «Парвоз» ва «Шодлик» лицейларида ҳам билимларни рейтинг услубида баҳолашга ўтиш режалаштириляпти. Шунингдек, 7—11-синфларда инглиз, немис, француз тиллари бўйича тест банкларининг очилишини ҳам таълим тизимида яратилган алоҳида янгилик ҳисоблаш мумкин.

Замонавий таълим услублари, таълим тизимига кириб келаётган янгиликлар, шубҳасиз, муаллимлар малакасини ошириб боришни талаб этади. Бу борада ҳам талайгина юмушлар амалга оширилди. Яъни, мактабларда француз тили ўқитувчилари учун бир неча бор семинарлар ўтказилди. Шунингдек, Франциянинг Тошкентдаги элчихонасида ва Франциянинг ўзида ҳам шаҳарлик муаллимларнинг тил ўрганиш курслари ташкил этилди.

Чет тилларни чуқур ўрганиш, бошқа халқлар маданиятини яқиндан билиш мақсадида Фарғонада тил маркази ҳам очилди. Марказ таркибида 10—11-синфлар учун бизнес синф, тайёрлов гуруҳи, 7—9-синфлар учун репетиторлик гуруҳлари ташкил этилди. Болалар у ерда тест синови ва танлов асосида қабул қилиняпти.

Марказда инглиз тилини ўқитиш замонавий талаблар асосидаги дастур орқали олиб бориляпти. Бу ерда таълим тил ўрганиш марказининг ўқитувчилари, Буюк Британия фуқаролари Э. Шелтон, А. Сивенсенлар томонидан чет эл нашриётларида чоп этилган ўқув қўлланмалари маҳмуи асосида ташкил этилди. Турли-туман китоблар, брошюралар, аудио ва видеокассеталар, ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир. Бу ерда машғулотлар одатдан ташқари тарзда олиб борилади.Яъни, ўқувчилар ранг-баранг расмлар, жадваллар, ниқоблардан фойдаланадилар, сўзлашиш, дидактик ўйинлар воситасида тил асосларини эгаллайдилар. Улар «Бизнес-мактаб» дарсларида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланадилар: шартнома тузадилар, фирмалар очадилар, акционерлик компанияси ишларини ташкил этадилар. Бу эса ўғил-қизларнинг иқтисодиёт асослари, савдосотиқ, бизнес ҳақидаги маълумотларининг янада чуқурроқ бўлишига олиб келади.

«Бизнес-мактаб»ининг асосий вазифаси ўғил-қизларнинг хорижий тилларни тўлиқ эгаллашларини таъминлаш ва шу қаторда, уларда замонавий иқтисодиёт структурасини билиш, малака ва кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Ёш бизнесменлар мактабида ўқувчилар репетиторлик машғулотларига катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар.

Мактабда ҳар бир гуруҳга 8—10 бола бириктирилган. Бундай услублар кўпроқ якка тартибда ишлаш имконини беради. Ҳозир зиё масканининг моддий асосини жуда бақувват деб баралла айтиш мумкин. Ҳолбуки, компьютерлар, замонавий ўйин аппаратуралари, телевизор, видеомагнитофон, аудиокассеталар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Мактабнинг тайёрлов гуруҳи ўғил-қизларига лексика, грамматика, адабий тилга яқин сўзлашув амалиёти, Буюк Британия халқи маданияти ва анъаналари атрофлича ўргатилади. Шу борада ҳам интенсив педагогиканинг коммуникатив услубидан фойдаланилади.

Тил тайёрлаш маркази ўқувчиларининг билим даражасини аниқлашда Америка Қўшма Штатлари «Акселс» ташкилотининг танлови, олимпиадалар, турли кўриклар катта ўрин тутмоқда. Марказ болалари ана шундай тадбирларда юқори балл тўплаб, мунтазам фахрли ўринларни қўлга киритишяпти.

Жорий ўқув йилида бизнес синфларини учта мактаб ва умумтехника лицейининг ўқувчилари тамомладилар. Уларнинг 9 нафари гуруҳни имтиёзли битирдилар. Имтиёзли сертификат олган йигит-қизлар айни вақтда турли коммерция соҳаларида, қўшма корхоналарда, фирма ва офисларда таржимонлик қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Хуллас, янгилик жуда кўп. Юқорида келтирилган далиллар эса Фарғонада янги турдаги ўқув муассасаларини очиш фаолиятини кучайтириш борасида талайгина юмушлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Бола тарбиясига етарлича эътибор берган юртнинг истиқболи ҳамиша порлоқ бўлади. Улкамиз истиқлолга эришган дастлабки пайтларданоқ мактабларда таълим-тарбия ишлари тубдан ўзгартирилди. Чуқур ислоҳотларнинг зиё масканларида кенг қўламда тадбиқ этилиши ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Бунга Қибрай туманининг Амир Темур номли 25-мактаб-лицейидаги ижобий ўзгаришлар ҳам мисол бўла олади.

Мазкур зиё маскани нафақат туман ёки вилоятда, балки Республика миқёсида биринчилар қаторидан жой олган. 1982 йилдаёқ ўқув даргоҳида 9-10-синфлар лицейига айлантирилган эди.

Бу йилги янгиликлар ҳам лицей ҳаётида юксак аҳамият касб этади. 1996 йилдан бошлаб бу миллий лицей ЮНЕСКОга аъзо бўлган 12 та мактаб қаторидан жой олди. Бошланғич синфларда эса гимназия синфлари очилди ва илк бор лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида сабоқ ола бошладилар. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу мактаб-лицей Тошкент давлат аграр университети ҳомийлигидадир. Ўқувчиларга таълим беришда олий ўқув юртлари устоз-мураббийларининг жалб этилиши эса лицей фаолиятида янада муҳим рол ўйнамоқда.

— Фидойи муаллимларимизнинг ижодий меҳнатлари асосида биз катта ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди мактаб-лицей директори Умида Шомелиева. — Масканимизни ҳар йили 30-40 нафар ўқувчи битириб чиқади. Шулардан деярли ҳаммаси турли олий ўқув юртларига кириб ўқишаяпти. Бу йил ҳам болалар ишончимизни тўлиқ оқлашди. Ҳозирда 7-8-9-синфларимизда ўз қизиқишлари ва иқтидорига кўра физика, химия, биология, математика каби фанлардан чуқурлаштирилган гуруҳларимиз мавжуд. Уларга асосан юқори малакали муаллимларимиз, шунингдек, университетдан жалб қилинган фан номзодлари дарс берадилар. Бу нарса ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Ғайрат ЖАВЛИЕВ.

Халқ таълими фидойилари

ЭПКИНЛАР ИЛҲОМ БЕРСИН

Бир сўз билан айтганда, мактаб камолотга талпинаётган авлод тафаккурини шакллантирувчи устахонадир. Гап бола руҳиятини шакллантириш ҳақида кетаркан, демакки, бу ўқитувчи олдига улкан масъулият юклаши табиий. Боланинг онгини ривожлантирувчи устахона деяётарифберилган зиёкорлар эса шогирдларига мукаммал билим бериш учун, энг аввало, уларни ҳар томонлама ўрганмоғи даркор. Шундагина ўқувчига нима ўргатилиши эмас, қандай ўргатилиш бирламчи ўринга чиқади. Олий тоифали моҳир педагог Норбиби Аслонованинг иш услуби ҳақида худди шундай хулосага келиш мумкин.

География ихтисослиги бўйича 26 йилдан бери болаларга таълим бериб келаётган Норбиби Аслонова ўз соҳасини астойдил севганлиги, бола қалби билан ишлашни яхши билганлиги боис Бухоро вилоятида янгилик яратган ижодкор ўқитувчилардан дея тан олинган. У меҳнат қилаётган Когон шаҳрилаги 1-ўрта мактабга ташриф буюрар экансиз, унинг география кабинетига кирмай кетолмайсиз. Юксак савия ва эстетик дид билан жиҳозланган география хонаси одамни беихтиёр уз «асири»га айлантиради. Ундаги ўқув ва кўргазмали қуроллар, болалар билимини тест синовидан ўтказадиган электрон-ҳисоблаш машинаси ва 100 га яқин экспонатни ўзида мужассамлаштирган муъжазгина музей Норбиби опанинг изланувчанлигидан далолат бериб турибди. Хонадаги ҳар бир партада глобус бор.

— Дарсларда ўтаётган мавзуларим ҳаёт билан, табиат билан боғланиши учун ўқувчиларимни мунтазам равишда саёҳатларга олиб чиқаман. Ўз Ватанининг гўзал табиатини, географиясини яхши билишса, унга бўлган муҳаббатлари янада ошади, — дейди Норбиби Аслонова.

Олий тоифали иқтидорли педагог Норбиби Аслонова 1992 йилда «Мустақиллик медали» билан тақдирланганди. Истиқлолнинг зиёбахш эпкинлари эсаверсин. Норбиби Аслонова каби мураббиялар эса ана шу эпкиндан илҳом олиб, шогирдлари қалбига эзгулик уруғларини қадайверсин.

Мисриддин МАЪМУРОВ,
Когон шаҳар халқ таълими бўлими услубхонаси мудири.

ҚИРҚ ЙИЛ ЎТГАЧ...

Инсон умрини «оқар сув»га қиёс қилишлари бежиз эмас. Ҳа, ҳаёт — улуғвор дарё, гоҳида шиддатли, гоҳида секин, гоҳида маҳзун оқаверади.

Беруний шаҳрига қарашли Навоий номидаги мактабни бундан роса 40 йил олдин битирган собиқ синфдошларнинг ўз қадрдон илм масканида бўлиб ўтган унутилмас учрашуви фикримиз далилидир. 1955 — 1956 ўқув йилида ўша мактабни 135 нафар ўқувчи битирган эди, шундан бу учрашувга 60 синфдош қатнашди. Синфдошлар ҳаётдан кўз юмган ўз устозлари — мактаб директори Собир Эшчоновни ва бошқаларни ҳамда баъзи синфдошларини хотирлашди.

Мундоқ ўйлаб кўрилса, синфдошлар ҳар хил касб эгалари бўлиб етишибдилар. Жумладан, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Пиримов кўп йиллар давомида Элликқалъа туманига сардорлик қилди. Ҳозир туманлараро насос станциялари бошқармасининг бошлиғи. Юсуф Полвонниёзов эса ҳозирги пайтда Элликқалъа туманидаги «Ниҳол» давлат хўжалигини бошқармоқда.... Учрашувга, айниқса, синфдошлар устозларидан бири Ортиқгул Юсупованинг келиши, хоразмлик таниқли шоир ва журналист Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов) ва истеъдодли қорақалпоқ шоири Кенгесбой Раҳмоновнинг ташриф буюришлари алоҳида завқ бағишлади. Шоирлар табрик шеърларини ўқиб беришди.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Санобар Сафарбоева каби истеъдодли санъаткорлар ижросидаги дилрабо қўшиқ ва рақслар учрашув кечасига юксак кайфият, алоҳида файзу тароват олиб кирди.

Синфдошлар ўзлари таълим олган қадрдон мактабига гилам, соат каби эсдалик совғаларини топшириши.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

БОСҚИЧЛАР

Газетамизнинг 25 сентябрь сонида педагогика фанлари доктори, «Шодлик» алифбесининг бош муаллифи Қумри Абдуллаеванинг «Хат-савод ўргатиш усуллари» мақоласини эълон қилган эдик. Мазкур мақоланинг методик кўрсатма сифатида бошланғич таълим ўқитувчиларига ёрдами тегди, деб ўйлаймиз. Қуйида эълон қилаётганимиз ўша мақоланинг давоми. Бунда «Алифбе» даврининг икки босқичи, дарс жараёнларини қай тарзда ташкил этиш ҳақида фикр юритилади. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганишда учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишда бу мақола сизга кўмак беради. деб ўйлаймиз.

Алифбе даври уч босқичга бўлинади.

Биринчи босқичда болаларга гап, сўз, бўғин, товуш ҳақида тушунча бериш, унли, ундош товушларнинг талаффузи юзасидан машқ қилиб, уларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш керак. Бир ва икки сўзларни равон ўқиб олиш, ўқиганларини гапириб бериш, сўзларни тўғри ёзиш, чиройли ёзув қоидаларига риоя қилиш, гапни бош ҳарф билан бошлаб, охирига тегишли тиниш белгиларини қўйиш, болаларда эшитиб ёзиш малакаларини шакллантириш, диктант ёзишни машқ қилиш каби жараёнлар бу босқичда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур босқичдаги ёзув дарсларида ўқувчилар ҳарфларни тўғри ва чиройли ёзишга, ҳуснихат қоидасига тўлиқ риоя қилишга ўргатилади. Бунда ўқувчилар ҳарфнинг ёзма шакли билан таништирилгандан сўнг шу ҳарфнинг босма шакли билан таққосланади. Бу босқичда ёзув дафтарининг чизиқлари, чап томондаги ҳошия ҳақида тушунча бериб, болаларда чамалаш ўқуви тарбияланади. Уларнинг диққат-эътиборлари ҳам тўғри, ҳам чиройли ёзишга қаратилади. Ҳар бир ҳарф ўргатилмасдан олдин товуш ва бўғин таҳлил қилиниб, сўнг ёзув машқлари ўтказилса, ўқувчилар томонидан ҳарфни тушириб ёзишнинг олди олинади. Кўриш, эшитиш, текшириш диктантлари ўтказилади.

Ҳафтанинг охиридаги ўқиш дарсининг 15-20 дақиқасида болаларга бадиий адабиётлар кўрсатилиб, мавсумий, тарихий кунлар, улуғ аждодларимиз, урф-одат, анъаналаримиз тушунтирилади, хушхулқлиқ, ширинсўзлик фазилатлари, ўртоқлик муносабатлари ҳақида улар тасаввури кенгайтирилади.

Иккинчи босқичда унли товушлар бўғин ҳосил қилиши амалий машқлар ёрдамида тушунтирилади. Бу босқичда болалар икки ундош ўртасида унли келган ёпиқ бўғинли (қиш, қуш, қум, қўл), 4-5 ҳарфли очиқ ва ёпиқ бўғинлар (қалам, балиқ, қийиқ), кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар (пилла, дўппи, аввал, копток, ёнғоқ); 6-ҳарфли ёпиқ бўғинли сўзлар (қишлоқ, гулзор, Гулноз), уч бўғиндан иборат сўзлар (Мавлуда, Холмирза, Гулнора) билан танишадилар.

Матнда учраган қийин, кўп бўғинли сўзларни аввал таҳлил қилиб, кейин ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Расмлар устида суҳбат ўтказилганда, янги таништириладиган товуш-ҳарф иштирокида таянч сўзли гап ажратиб олинади. Ҳар бир гап сўзга, таянч сўз бўғинга, бўғин эса товушларга бўлинади. Шу янги ўргатилаётган товушга мустақил равишда унли товуш қўшиб, бўғин ҳосил қилдирилади. Ўқувчилар таништирилган янги ҳарфни кесма ҳарфлардан топиб, бўғин, кейин эса сўз тузиш ва уларни шошмай, равон ўқишларига эътибор қаратилади. Сўзларни бўғинларга бўлиб, бир бўғин ёки ҳарфни алмаштириш билан янги сўзлар ясаш болаларни ўқишга ўргатиш ишини енгиллаштиради.

Дарсда болаларнинг ўзлаштириш қобилиятларига қараб китоб саҳифаларидаги матнларни танлаб ўқишларига имкон бериш, яхши ўқиган болаларни рағбатлантириш, руҳиятини кўтариб, яна ўқишга ундайвериш уларнинг тез фаоллашувига олиб келади.

Болаларда онгли ўқиш малакасини ҳосил қилиш учун матн юзасидан етакчи саволлар бериб бориб, равон гапиришга ўргатилади. «Шодлик» саҳифаларида расмлар кўп, энг кичик бўлакларини ҳам илғаш, расмда ҳаво қандай эканлиги, қайси фаслга доирлиги, болаларнинг кийимлари, уларга ном қўйиш, қайси гуллар, мевалар таниш эканлиги, ранглар уйғунлигига болалар эътибори тортилади.

Ўқиганда болалар диққати тиниш белгиларига ва уларга риоя қилишга қаратилади. Нуқта, сўроқ белгиси, саволжавобли гапларда гап олдидан қўйиладиган чизиқча, икки нуқта, ундов белгиси ҳақида ҳам амалий тушунчалар берилади. Кетма-кет келган ундошли сўзларни, қўшимчаларни аниқ ўқиш, болаларни **айиқ сўзини айув, қулоқ-қуло, балиқ-балу, оёқ-оё, бармоқ-бармо, терак-терай, элак-элай** деб айтмасликлари бўйича ҳам машқлар ўтказилади.

Кичик ёшдаги болаларда ёд олиш қобилиятини ривожлантириш учун дастлабки сабоқларданоқ кичик шеър, мақол, тез айтиш ва топишмоқларни ёдлашни қўллашиб такрорлаш жуда фойдалидир. Шундай қилинганда, болалар хотираси тез уқади. Нутқида нуқсон бўлган болалар билан алоҳида ишлаш, дефектологлар билан маслаҳатлашиш зарур. Ўқув йили мобайнида барча болаларнинг нутқи равон, ёқимли, тушунарли бўлишига эришиш керак. Икки ва уч бўғинли сўзларни товуш таҳлилидан сўнг эшитиб ўқувчиларда ёза олиш уқувларини пайдо қилиш ҳам ана шу босқичда амалга оширилади.

Иккинчи босқичда олиб бориладиган ишлар тури секин-аста мураккаблаштирилади. Ўқувчиларда маълум малака ҳосил қилингач, янги-янги иш турларини бажаришга йўллаш лозим. Бу ўринда синфдаги ўқувчиларнинг ўзлаштира олиш қобилиятларига қараб гуруҳларга бўлиш, аълочиларга, албатта, қўшимча топшириқлар бериб, банд этиш, қийналаётган ўқувчиларга ёрдам тариқасида сўзларни синф тахтасига ёзиб бериб, биргалашиб ўқишга жалб этиш, озгина муваффақиятларини кўрсатиб руҳлантириш таълимда яхши натижалар беради.

Иккинчи босқида ўқувчиларга қуйидаги иш турларини бажариш ҳам топширилади:

1. Дарсликдаги матнлар остида берилган бир унли ва бир ундош ҳарфли бўғинларга янги бўғин қўшиб, сўз тузиш ва ўқиш.

2. Ёзма шаклда берилган матнларни тутилмай, равон ўқиш.

3. Матн остида берилган саволларни ўқиш ва мустақил равишда жавоб топиш.

4. Суҳбат тарзида матнларни ролларга бўлиб ўқитиш, овозни бошқаришни ўргатиш,

5. Нутқда халқ оғзаки ижоди намуналари: мақол, топишмоқ ва тез айтишлардан ўринли фойдаланишга ўргатиш.

6. Ўқиганларини кўрган ва қузатганлари асосида мисоллар билан қикоя қилиб бериш.

7. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларни гап охиридаги тиниш белгисига қараб бир-биридан фарқлаш.

Матнни ўқитишда болаларни вергулдан кейин бир оз тўхтаб олишга одатлантирилади.

Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам

Овозли ўқиш билан ичда ўқиш машқларини тез-тез алмаштириб туриш лозим. 7 ёшли болаларни мустақил ишлашга ўргатишнинг алоҳида аҳамияти бор. Бу даврда болаларга карточкалар билан ишлашни ўргатиш лозим. Ўқитувчи ўргатилган янги ҳарф, бўғин ва сўзларни карточкаларга, ҳарфларни, бўғинларни тушириб ёзади. Болалар бўш ўринларга ўзлари ҳарф, бўғин, кейинчалик мос сўзларни топиб, гапни тўлиқ ўқишга ҳаракат қиладилар. Шундай қилинганда болаларда онгли ўқиш малакаси ҳосил бўлади ва улар равон ўқишга ўрганадилар.

Ўқитувчи баъзан синф тахтасига бўғин, сўз ва гапларни аввалдан дона-дона қилиб ёзиб қўйса, гуруҳга бўлиниб, овоз чиқариб ўқиш анча қулай бўлади. Доимо китоб ўқиш болаларни чарчатади, зериктиради. Шу боис матн орасига кўпроқ расм жойлаштирилади. Шунда бола расм номини айтиб, ундан кейин сўзларни ўқиб, матн тугаганини ҳам сезмай қолади. Болаларнинг фаоллигини ошириш, эсда сақлаб қолиш, уқувларини ошириш мақсадида бизнинг муаллифлар гуруҳимиз 16 номдаги ўқув мажмуасини ҳозирлаб, ўқитувчилар ишини енгиллаштиришни мақсад қилганлар. Айниқса, «Расмли алифбе», «Ҳарфлар чамани», «Кесма алифбо», «Ўзим ўқий оламан» қўлланмалари болалар учун анча қулайлик яратади. Бу қўлланмалар болаларни ўқиш тезлигини оширишга, тафаккурини ривожлантиришга, мустақил ишлашга ёрдам беради.

Мазкур ўқув қўлланмалари иқтидорли болалар учун мўлжалланган. Бу воситалар оилада бола билан шуғулланганда ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришда ҳам қулайлик яратади. Қўлланмалар рангли, расмли бўлиб, топшириқли саҳифалардан иборатдир.

Болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлаш, саводхонлигини барқарорлаштиришга доир саҳифалар бир-бирини тўлдиради. Турли мазмундаги бош қотиришларнинг ечимини топишга интилган болалар фикрий доирасининг кенгайишини таъмин этувчи ўйинлар мажмуаси жамланган дидактик материаллар болаларнинг ҳар томонлама ривож топишларига имкон беради.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори.

МИЛЛАТНИНГ РАВНАҚИ — ТИЛИДАН

Ҳур мамлакатимиз фуқароларига қувонч ва шодлик бахш этувчи, қадриятларимизни, миллатимизни ўзлигини ўз мазмуни билан ифодаловчи байрамлар, тадбирлар талайгина. Улардан бири Ўзбекистон таълим-тарбия муассасаларида анъанага айланиб, кўтаринки руҳда ўтказилиб келинаётган «Тил байрами»дир.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек, тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиздир. Кимки тилга эътибор бермаса, уни нотўғри қўлласа, бу — тилни, миллатни менсимаслик билан баробар. Она тилимизнинг ҳам ана шундай ҳолатга тушиб қолишига оз қолган эди. Минг бор шукроналар бўлсинким, бундай ҳолатга мустақиллик шарофати туфайли чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ва мазкур Қонун мазмунидан келиб чиқан ҳолда қабул қилинган дастур, шубҳасиз, республика ҳаётининг турли жабҳаларида сезиларли ўзгариш юз беришига, барқарор ҳаёт ривожига омил бўлмоқда. Бугунги кунда мазкур Қонунни ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларига татбиқ этиш заруриятдир.

Шу кунларда тарихий сананинг етти йиллиги нишонланмоқда. Ўтган давр мобайнида республикамиз ҳудудидаги барча муассасалар, корхоналар, таълим-тарбия масканларида муайян ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кезлардаёқ Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти уни амалга оширишга қаратилган кенг тадбирлар мажмуасини қабул қилганди. Унда асосан ўқув тарбия жараёнини бутун чоралар билан такомиллаштириш, таълимда амал қилинаётган янги таркибларни кенгайтириш, мазмунан бойитиш, ўзбек тилини ўқитишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, услубий ишлар самарадорлигини ошириш, Қонунни кенг тарғиб этиш ва уни изчил рўёбга чиқаришга эришиш каби бир қатор йўналишлар белгилаб олинган эди. Бу кенг кўламли вазифалар бўйича аниқ режалар асосида бошқармада, институтда ва шаҳардаги таълим-тарбия муассасаларида қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўтказилган тадбирлар натижалари ҳайъат йиғилишларида кенг муҳокама қилинди, чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасарруфидаги мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида аниқ мақсадга йўналтирилган режа асосида русийзабон миллат вакиллари фарзандларига ўзбек тилини ўргатиш ва таълим жараёнини такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётган болалар ва фаолият кўрсатаётган катталарга ўзбек тилини чуқурлаштириб ўргатиш борасида ташкил этилган 600 тўгарак мунтазам иш олиб бораётир. Шаҳардаги 11-таянч боғчанинг бевосита фаолияти ўзбек тилини мукаммал ўргатишга қаратилгандир.

Шаҳардаги таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган 202 та мактабгача тарбия муассасасида тарбияланаётган 9586 бола ўзбек тилини шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида ташкил қилинган курсларда махсус тайёргарликдан ўтган 260 тарбиячи-педагогдан ўрганмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш борасида институтнинг «Она тили ва адабиёти бўлими» режа асосида услубий тавсиялар ишлаб чиқаётир ва жойларга мунтазам тарзда юбориб турибди.

Мазкур бўлимнинг мудираси Феруза Муҳамедова томонидан яратилган «Ўзбек тилидан тест саволлари», «Ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижоди» (кўзгу тасмасидаги кўргазмали дарс) ва ушбу бўлим услубиётчиси Гулнора Муҳаммаджонованинг «Рус синфлари учун ўзбек тилидан мусиқали дарс» (магнит тасмасидаги дарс, услубий тавсияси билан) каби ишлари мутахассис олимлар, амалиётчи ўқитувчилар томонидан юқори баҳоланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш таълим мазмунини тубдан янгилашдаги инқилобий жараённинг таркибий қисмидир. Шу боис институтимиз жамоаси бу муҳим ишга биринчи даражали вазифа сифатида қараб, унда белгиланган кенг кўламли вазифаларни оғишмай амалга ошираверади.

Алижон ТУРСУНМАТОВ,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти «Маънавият ва миллий қадриятлар бўлими»нинг мудири.

2. САИДАҲМАД НАЗИРОВНИ БИЛАСИЗМИ?

МАТБУОТ — ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ МАҲСУЛИ

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори

Бу улуғ ном шу истиқлолимизгача халқимиздан яшириб келинди, сир тутилди. Буларнинг номларини тилга олиш, эслаш, ҳатто фарзандлари, ака-укалари, қариндош-уруғларига ҳам мумкин эмас эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай эди. Бўлмаса, «миллатчи», «аксилинқилобчи», «пантуркист», «эскиликка қайтувчи» каби шапкалар остида 1938 йилда отилиб кетган ўзбек миллий матбуотининг доҳийси бўлган Комилжон Алимовнинг номини эслаб, тилга олган унинг укаси — дастлабки журналистлардан Лутфулла Алимов 1949 йилда, яъни яқиндагина «миллатчининг укаси» сифатида қамоққа олинармиди? Ёки, 1950 йили ўзбек адабиёти ва педагогикасининг йирик арбобларидан бири, атоқли олим Ҳамид Сулаймонни «миллатчи Сулаймонхўжанинг боласи» сифатида қамашганларида, турмада ётган эрини суриштириб борган, ҳозирда машҳур олима Фозила Сулаймоновани мажбурлаб «эрингнинг номини тилингга олма, ундан воз кеч», дейилармиди?

Ана шундай қил устида турган паллаларда қатағонга учраганларнинг авлоду аждодлари ҳам «соқов» ҳолатига тушишга мажбур бўлганлар.

Атоқли журналист ва матбаачи, ўткир сиёсатдон Саидаҳмад Назировнинг тақдири, шахсияти билан танишишдан олдин унинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида қисқача тўхталсак.

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати ҳужжатасровининг 20 жилдлик «п. 33391», «5294», 10 жилдлик «п. 27705» рақамли Мунаввар қори, Наим Саид ва Боту «ишлари»да маҳкам қилиб тикиб қўйилган Саидаҳмад Назиров ҳақидаги бир неча юз саҳифани ташкил этган материаллар орасида унинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли ҳам бор. Бунда қуйидаги шарҳлар баён қилинган:

«Мен Саидаҳмад Назир ўғли 1898 йилда ёз ойида Тошкентнинг Шайхантоҳур даҳасида иморат қуриш устаси оиласида туғилганман. Отам мулла Назир ҳақиқатан ҳам руҳоний, домла бўлганлар. Оилада ота-онамдан ташқари олти фарзандмиз. Акаларим Отахон, Қодирхон, Ҳусанхон ва опаларим Раҳбар, Фотималар. Кичиги мен.

Мен дастлаб отам қулида савод чиқарганман. Сўнг олти ёшимдан Шайхонтоҳурдаги эски мактабда, 1909 йилда рустузем мактабида таълим олдим. 1916-1918 йилларда эски мактабларда ҳисоб ва жўғрофиядан муаллимлик қилдим. 1921 йилда маориф институтига кириб ўқиб, кейинчалик шу ерда оз муддат ишладим.

1924 йилда Москвага бориб, Журналистика институтига ўқишга кирдим. Иккі курсни тугаттач, ҳақиқатан ҳам Акмал Икромовнинг маслаҳати билан 1927 йилда Плеханов номидаги Саноат академиясига 3-курсга ўтиб, у билан бирга ўқидим ва 1929 йилда ўқишни тугатиб келдим. Иш фаолиятимда «Туркдавнашр»ни сўнгроқ «Уздавнашр»ни ташкил этиб, узим бошлиқ бўлиб ишладим... Хотиним Собира ва бир ўғлим Пулатжон, акаларим, отам бор. 1929 йил, 21 декабрь».

Ана шундай қисқача таржимаи ҳолга эга бўлган ўзбекнинг ўша 20-йилларда яшаб ижод қилган йирик журналисти, истеъдодли таржимони ва матбаачиси, қолаверса таниқли муаллими Саидаҳмад ака бор-йўғи 32 йил умр кўрди. Бу давр ичида жуда катта ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган ишларни амалга оширди, халқи учун яшади, унинг маърифати ва маданияти, айниқса матбаачилиги тараққиёти йўлида сезиларли амалий ишларни қилди.

У Ўзбекистонда янги замон ашуласи билан бошланган қатағонликларнинг биринчи юриши — 1925 йиллардаги «Иноғомовчилик» ва сўнгроқ «Қосимовчилик»лар тўлқинидан бир оз чап бериб ўтиб, 1929 йилнинг январидан бошланган «иккинчи юриш»нинг қундасига учраган ўзбекнинг ўткир зеҳнли сиёсатдон ўғлонлари Мунаввар қори, Салимхон Тиллахонов, Асадулла Ҳўжаев сингари истиқлолчилари билан бир сафда турди.

Унинг яқин дўстлари ва маслақдошлари Элбек, Санжар Сиддиқ, Аъзам Айюб, Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Маннон Рамзий, Турғунпўлат Қирғизов, Иброҳим Эшонхўжаев, Наим Саид каби журналист ва ёзувчилар эди. Булар орасида Мунаввар қори, Акмал Икромов ва Элбек сирдош дўстлар эдилар. Султон Сегизбоев, Ғанихон Ҳамидхонов, Қурбон Берегин сингари истиқлолчи журналистлар Саидаҳмаднинг яқинлари бўлиб, булар 20-йилларнинг ўрталарида Саидаҳмад ташкил қилиб, ўзи бош муҳаррир бўлган «Армуғон» газетасига изчиллик билан мақола ва хабарлар ёзиб турганлар.

Саидаҳмад ана шу ғоявий етук дўстлари билан ҳамкор, ҳамфикр ҳолда Ўзбекистон мустақиллиги йўлида курашди. Бу кураш 1919 йилда тузилган «Миллий иттиҳод», 1928 йилда Москвада тузилган «Гап» шўроларга қарши аксилинқилобий гуруҳлар доирасида махсус режа ва дастурлар асосида олиб борилди.

Етук журналист ва ташкилотчи матбаачи Саидаҳмаднинг сиёсий-ижтимоий фаолияти, инсоний қирралари тўғрисида билишни истаб биргина ҳужжатасров материаллар билан чекланишни лозим топмаймиз. Кишилар даврасидамиз, суриштиришлар олиб борамиз. Тарихнинг тирик шоҳидларини топамиз.

1994 йилнинг май ойлари эди. Келишувга биноан Саидаҳмадни яхши билган, суҳбат қурган ва қарашларини тўғри илғаган таниқли зиёлилардан Абдулла Суюмов, Сожида Носирова, Мумтоз Муҳаммедов, Сулаймон Азимовлар билан учрашдик. Учрашув Сулаймон отанинг ўша Тошкентнинг Ишчилар шаҳарчасидаги икки қаватли хонадонида бўлиб ўтди. Унда биргина Саидаҳмад шахсиятини реаллаштиришнинг ўзи билан чекланилмади. Шунингдек, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Боту, Мумин Усмон, Наим Саид, Мунаввар қори, Салимхон Тиллахон, Абдулла Карим, Мухтор Муҳаммадий сингари катта журналистларнинг ҳаёти, фаолиятларига ҳам янги чизгилар берилди. Шоҳидлар булар ҳақида тарихий қимматли материаллар, ўша даврда истиқлол учун курашларининг моҳияти ва қўлами тўғрисида, руҳий оламлари ҳақида ҳали шу кунгача битиб қолдирилмаган маълумотларни бердилар.

Суҳбатимиз қизигандан қизиб борарди. Суҳбатни тадқиқ тадқиқотимиз мавзуси — Саидаҳмад фаолиятига қаратиб, ўртага қуйидаги саволни ташладим: «Сулаймон ота, сиз 20- ва 30-йилларда Ўзбекистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни яхши биласиз. Қатағонга учраган кўп ёзувчи, журналист, давлат арбоблари билан бирга ишлагансиз, ҳамсуҳбат бўлгансиз. Қани айтингчи, Саидаҳмад Назиров ҳақида нималарни биласиз?»

Сулаймон ота ўйлаб ҳам ўтирмади, одатига кўра фикрини шартта руёга чиқара қолди:

— Мен Саидаҳмадни яхши биламан, у билан кўп марта суҳбатлашганман. Бу 1928 йилнинг июнь ойларида бўлган эди. Охирги суҳбатимиз шу бўлди. Янаги йилга академияни битириб келсам, Узбекистоннинг ҳамма вилоятларида босмахоналар очаман, нашр ишларини координация қиламан. Республикада барча нашр афкорларини бирлаштириб, махсус уюшма ташкил этаман дерди. Қачонгача чоп этиладиган китоб ва журналларни Бокуга, Қозонга олиб борамиз. Ахир ўзимиз ташкил қилсак бўлмайдими, дер эди.

Суҳбатга Очил Қодирий қўшилди:

— Ҳамма гапларингиз тўғри, — деди Сулаймон Азимовга юзланиб ва сўзини давом эттирди: — Саидаҳмадни мен 1920 йилдан биламан. Узим Каттақўрғонликман, Самарқандда ўқиганман. Бу киши халқ таълимини яхши биладиган одам эди. Газета-журналларни кўп ўқирди. Бир куни биз — Абдулҳамид Мажидий ва Ғози Юнус уччаламиз учрашиб қолдик. Бу Боғишамолда эди. Учрашувимизда Саидаҳмад қўлтиғида буклоғлиқ турган «Иштирокиюн» газетасининг янги сонини очиб туриб, ўша сонда босилган шоир Элбекнинг бир шеърини ўқиб берди-да, шу заҳоти газетанинг савияси ҳақида гапира кетди: берилаётган хабарларнинг бўшлиги, арзимаслигини қоралади. Ўйланиб туриб, тўсатдан «шу газетани қачонгача Оренбург, Қозонларга олиб бориб техникасини кўрсатиб келар эканмиз. Шуни ўзимизда қилсак бўлмасмикан», деди. Босмахоналарнинг эски типдаги Самарқанд, Тошкент ва Бухородаги куринишларини танқид қилди. Булар талабга жавоб бермаслиги хусусида гапириб, булар сонини кўпайтириш, китоб босиш ишларини яхшилаш тўғрисида Ғози Юнусга шаъма қилди. У узоқ ўйлангач, деди: «Саидаҳмад, ҳамма гапларингиз тўғри, лекин буни амалга ошириш ҳали қийин...»

Гапнинг қисқаси, ўша 20-йилнинг ўрталарида Мунаввар қори, Назир Турақул ва Саидаҳмадларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳукуматга хат тайёрланиб, бунда «Туркистон Давлат нашриёти» тузиш сўралган эди. Бунга янги ҳукумат рози бўлди — Саидаҳмад «Туркдавнашр»га бошлиқ бўлиб, олдинги «Туркпечат»ни ҳам ўзига қаратиб олди. Буни аниқ биламан.

— Тўғри-тўғри, — гапга аралашди Сулаймон Азимов, — «Туркдавнашр» ўша 20-йилларнинг ўрталарига келганда астасекинлик билан «Узгиз — Уздавнашр»га айланди, агар адашмасам «Уздавнашр»га ҳам СаидАҳмад оз муддат бошлиқ бўлди. У ҳақиқатан ҳам матбаачиликка фидойи инсон эди.

— Мен аниқ биламан, ўша Самарқанддаги Морозов номли босмахонани биринчи бор Саидаҳмад ташкил қилиб, унга ўзи бошлиқ бўлган. Буни ташкил этиш учун Боку, Москва ва Қозонга роса қатнагани кечагидек эсимда, — деб изоҳ беради 90 ёшлик олима ва шахсий нафақахўр Сожида опа Носирова ва қўшиб қўяди: — Менинг эрим ўша машҳур журналист Аъзам Айюб бўлади. У «Иштирокиюн»да ишлаб юрган кезлардан Саидаҳмад билан дўст эди. Унинг тиришқоқлиги, газетачилик ва китоб ишларини яхшилаш, энг аввало, босмахоналарни кўпайтириш, янги техника билан жиҳозлаш, нашриётларни ташкил этиш тўғрисида тинмай гапиради, нима унинг бунда бошқа қиладиган иши йўқми, бу иш осон бўлмаса», деб менга нолиб қолар эди. Шундан бўлса керак, Саидаҳмад Назиров 1928 йилда Олий кенгашга хат ёзиб депутатлигидан фойдаланиб Йўлдош Охунбобоевнинг розилиги билан Москвага бориб «Туркдавнашр»ни «Уздавнашр»га айлантириб, тегишли ҳарф ва белгиларни кўпроқ Бокудан, сўнг Ленинграддан, Москвадан ўзи бош бўлиб олиб келганини шахсан биламан. Олдин арабча ва сўнг лотинча ҳарфлар Туркистонга шу фидойи инсон томонидан келтирилган эди.

(Давоми бор)

Давоми. Боши газетамизнинг 77-сонида.

УЛУҒ СИЙМОГА БАҒИШЛАБ

Куни кеча Тошкент давлат университети Маданият саройида бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирни университет ректори вазифасини бажарувчи академик Т. Долимов қисқача кириш сўзи билан очди. «Темур ва темурийлар даврида илму фан», «Адабий-бадиий китобларда бобомиз фаолиятининг ёритилиши» мавзуларида тарих фанлари доктори А. Ўринбоев, шарқшунослик институти катта илмий ходими Д. Юсупова ҳамда академик А. Қаюмовлар маъруза қилишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида саҳнага Соҳибқирон қиёфасида Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов чиқиб шоир Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасидан лавҳа ижро этди.

Ш. ҚОРАЕВ.

ЖОНУ ДИЛИМ — ОНА ТИЛ

Миллат ўз давлатига ўзи эга бўлган барча замонларда она тили тараққий этган. Бунинг энг ёрқин мисоли — Темурийлар даври. Алишер Навоийдек улуғ сўз санъаткорининг майдонга чиқиши ҳам айнан ана шу ҳокимият ўз қўлимизда бўлган замоннинг буюк меваси эди. Шу сабаб бу йилги тил байрамининг Соҳибқирон Амир Темур таваллуди 660 йиллигини нишонлаш тантаналари билан боғланиб кетганида ҳам бир рамзийлик бор.

Тошкент шаҳридаги ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейида «Она тилим — жону дилим» мавзуида бўлиб ўтган тил байрамида шулар ҳақида сўз борди.

Бўлажак ҳарбийлар Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бош мутахассиси Х. Тўхтаев, «Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи» М. Ҳўжаева, ушбу лицей директори вазифасини бажарувчи подполковник И. Коник, иккинчи взвод командири катта лейтенант И. Эргашевларнинг маъруза нутқларини ҳаяжон билан тингладилар.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

Тошкент шаҳридаги 220-мактабда 10—11-синфларга мўлжалланган махсус лицей синфлар очилди. Улар ўқувчиларга иқтисодий билимлар беришга ихтисослашган бўлиб, ёшларни биринчи навбатда янги ҳаётга тайёрлайди. Мазкур лицей синфларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан яхшигина ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, тажрибали педагоглар лекциялар ўқишади, семинарлар ўтказишади, амалий машғулотлар ташкил этишади.

СУРАТЛАРДА: Олий тоифали ўқитувчи Р. Содиқов ўқувчилар билан биргаликда рефератларни муҳокама қилмоқда. Иқтисод фани муаллимаси Г. Қурбонқулова 10-синфларда навбатдаги дарсни ўтмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Абдурауф Фитратнинг 110 йиллигига

ФИТРАТ ВА ТИЛШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ

Абдурауф Фитрат ўзбек тили илмий грамматикасини яратар экан, жуда кўп қийинчиликларга дуч келди. Энг катта қийинчилик ўша даврда ҳали тилшуносликда истилоҳ — атамалар йўқ эди, уни яратиш, тартибга солиш зарур эди. Бундай хайрли ва мураккаб иш олимнинг зиммасига тушди. Олим уларни яратиш ва тартибга солишда Москва, Ленинградда бўлган вақтда рус ва жаҳон тилшунослик фани ютуқлари билан танишиши катта ёрдам берди. Истилоҳларни яратишда олимга «Чиғатой гурунги»даги тил ва имло масалалари бўйича бўлиб ўтган қизғин баҳс ва мунозаралар ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Олим термин танлар экан, у тил ҳодисаларини чуқур акс эттириш лозимлигини ҳар доим ёдда тутди. Шу туфайли у танлаган атамаларнинг кўпи замон синовидан муваффақиятли ўтди. Улар ҳозир ҳам дарсликларда қўлланмоқда. Профессор А. Алиев кўрсатиб ўтганидек, Фитратнинг «Сарф» китобида жуда кўп тилшунослик атамалари учрайди: **унли, унсиз (ундош), йўғонлик, ингичкалик, товуш, бўғин, чўзғи, гап, сўз, от, сифат, феъл, олмош, кўмакчи қўшимча, замон, ўзак, туб сўз, ясама сўз, сўз ясаш, ўрун оти, қурол оти, иш оти, қўшма от ва бошқалар.**

Биз ушбу атамаларнинг ҳаммасини Фитрат яратди, деган фикрлардан узоқмиз. Мақсадимиз беш-олти атама мисолида «Сарф»да учровчи атамалар Фитрат туфайли терминлик хусусиятига эга бўлиб, тилшунослик бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлардан мустаҳкам ўрин олганлигини кўрсатиб беришдан иборат. Ушбу атамаларга эътибор берилса, уларнинг айримлари, ҳозир ўзбек тили дарслик ва қўлланмаларида мунтазам ишлатилаётганлигини, бошқалари ўрнида эса янги атамалар пайдо бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи от, **сифат, феъл, сон, замон, кўмакчи, унли** каби терминлар ўзбек тили дарсликларидан мустаҳкам ўрин олди. Чунончи олим томонидан киритилган унли истилоҳи энг муваффақиятли атамалардан бири ҳисобланади. Талаффуз вақтида ҳеч қандай тўсиққа учрамайдиган товушни олим унли ҳисоблайди. **Феъл** атамаси ҳам дарсликларда кенг ишлатилмоқда. Илгари бу сўз ўрнида **қилиқ** атамаси ишлатилар эди. Фитрат биринчилардан бўлиб бу сўз ўрнида феъл терминини ишлатади.

Абдурауф Фитрат асарида учровчи энг муваффақитли атамалардан яна бири **чама сон** терминидир. Бу атама чамаламоқ феъли асосида яратилган. «Сарф»да чама сонига қуйидаги мисоллар келтирилади: **ўнлаб китоб, юзлаб киши.** Олим бу атама билан тилимиздаги тахмин билдирувчи **икки-уч, ўн-ўн беш, йигирма-ўттиз** сонларини ҳам номлайди. Қўшма от истилоҳи ҳам ўзбек атамашунослигида кенг ишлатилади. Фитрат қўшма отга қуйидагича таъриф беради: **«икки от ё бир от сифат билан қўшилиб бир нарсанинг оти бўлганида қўшма от дейилади. Қўшма отдаги икки сўз ёзилғонда бирлаштириладир: ойболта, оқсоқол каби. Яна бир турли қўшма от буларнинг икки-уч сўздаги ҳар бири сўзнинг бурунғи маъносини йўқотмайдур. Бундай қўшма отлардағи сўзларни айрим-айрим ёзмоқ керакдур: Маориф идораси, марказ ижроия комитети».** Мисолдан кўриниб турибдики, Фитрат бундан 70 йил илгари тилимиздаги энг мураккаб ҳодисалардан бири бўлган қўшма сўз моҳиятини тўғри англаган. **Улуш сони** термини ҳам диққатга сазовор. Олим **«кўпроқ нарсани баробар улашганда айтилатурғон сонларга улуш сони дейди»**. Улуш сонига қуйидаги мисоллар келтирилади: **бирор тангадан, бешар китоб.** Фитрат бундан ташқари улуш сонидан қўшимча орқали ҳам ясалишини таъкидлайди. Ҳозирги дарсликларда бу атама ўрнида **каср сони** атамаси ишлатилади. Бизнингча, Фитрат ишлатган **улуш сони** термини ўз моҳиятини ҳануз йўқотмаган.

Фитрат ўтган замон феъллари**ни ўткан феъл** деб атайди. Ўткан феъл олим фикрича уч турга бўлинади: **1. Кўрилган феъл; 2. Бўлиб эшитилган феъл; 3. Ҳикоя феъли.**

Кўрилган феъл олим фикрича бу ишнинг ўтган замонда бўлиб-бўлмағонини билдиради. Олим ўтган феъл тўғрисида маълумот берар экан, унинг тарихи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтиради. Масалан, ўтган феълнинг биринчиси кўрилган феълнинг ёздик, ёзмадик шакли, Тошкент шевасида ёз**димиз, ёзмадимиз** шаклида ишлатилишини кўрсатиб ўтади. Бу шакл Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам учрашини таъкидлаб, бир мисол келтиради: **Ағди қизил байроқ туғди қара туфроқ, етишу келиб уғроқ тўқишиб анин кечтимиз.** Шу билан бирга вақт ўтиши билан айрим атамалар эскириб истеъмолдан чиққан. Улар ўрнида янги атамалар ишлатила бошланди. Ҳозир унсиз ўрнида ундош, босим ўрнида урғу атамалари ишлатилмоқда. А. Алиев ўз мақоласида яна қуйидаги феъллар янги атамалар билан ишлатилаётганлигини кўрсатиб ўтади: **ўтинч феъли — мақсад феъли, салт феъли — ўтимсиз феъли, ўртоқлик феъли — биргалик даража, наҳв — синтаксис.**

Фитратнинг ушбу асари тилшунослик терминлари тараққиётини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, бугунги **ундов гапи** бундан етмиш йил илгари ундошли гап деб аталган экан. Олим бу атамани қуйидагича таъриф беради: ундошли гап — гап кимгадир қаратиб айтган бўлса шунинг оти гапнинг бош томонида, ё орасида, ё охирида айтилса, ана шундай гапга ундошли гап дейдилар: йигитлар, қўлингиздан келганча билимингизни орттирдингиз!

— Ҳа бой ака, назирдан борми?!

— Бўлиб қолар, сўфи.

(Чўлпон)

— Биз борлиқ бағрида, қарши куч, унутма! Мана шу гаплардаги йигитлар, бой ака, сўфи, қарши куч сўзлари ундош отлари бўлиб, шу гаплар эса ундошли гаплардир. Мисолдан кўриниб турибдики, бу асар атамашунослик тараққиётини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида қайд этмоқ керакки, Фитат ишлатган айрим терминлар ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, олим фикрича **-ғали, -кали, -қали-гали-кали** қўшимчали феъллар замонсиз феъллар ҳисобланади. Фитрат замонсиз феъларга қуйидаги мисолларни келтиради: **Мен сени кўрғали бордим, у китобни ўқуғали олди.** Агар бу феъларга синчиклаб қаралса, ҳақиқатадн ҳам уларда замон акс этмаганлигини кўрамиз. Олим ўз фикрини исботлаш учун Машраб, Амир, Комил, Шайбонийнинг қўлёзма асарларидан қуйидаги байтларни келтиради:

Аҳвол қўнгул олғали бир маҳраме топмай,
Зулмунгни қариндошу ғаминғни падар эттим.

(Машраб).

* * *

Улуққа қилғали асрори ҳикматингни аён,
Залолат аҳли аро бўлди анбиё пайдо.

(Амир).

* * *

Йўлингга очиқ чашму жайрон каби,
Сенга бўлғали меҳри анвор фидо.

(Комил).

Ушбу феъллар ҳозирги грамматикаларда равишдош деб аталади. Аммо у равишдош талабига жавоб бера олмайди. Бугунги тилшуносликда келишиклар деб аталувчи ҳодиса Фитрат томонидан белгилар деб номланган. Олим фикрича **-ники** қараш белгиси, **-ға-га** бориш белгиси, -дан чиқиш белгиси, **-да** ўрун белгиси. Кўринадики олимнинг бу фикрлари ҳам кишини ўйлантиради, баҳсга чорлайди.

Умуман, Фитрат томонидан дарсликда ишлатилган истилоҳлар ўзбек тилшунослик атамаларини шакллантиришга асос солди. Тилшунослар Фитрат ишини давом эттириб, ўзбек тилшунослигини янги атамалар билан бойитдилар. Ҳозир ўзбек тилшуносларининг дастуруламалига айланган профессор А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тилшунослик терминлари луғати» Абдурауф Фитрат бошлаган мураккаб ишнинг мантиқий давоми деб ҳисоблаш мумкин.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари номзоди.

Мактаб лавҳалари

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР



Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Ю. Гагарин номидаги мактаб, бу ерда олиб борилаётган ибратли ишлар кўпчиликка манзур. Мазкур билим даргоҳида таҳсил кураётган ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам мактабдаги таълим-тарбия ишларидан қониқишларини изҳор қиладилар. Ўқитувчилар жамоаси томонидан болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар туфайли мактаб ана шундай юксак ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мактабда синфдан ташқари тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ёш техниклар, кимёгарлар, физиклар, математиклар, адабиётшунослар, мусиқачилар, қўйингки, деярли барча соҳаларни қамраб олган тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам яхши шароитлар яратиб берилган. Ҳамиша гавжум футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика майдончаларини кўриб кўзингиз қувонади.

Дарвоқе, суратларда мазкур мактаб ҳаётидан лавҳалар акс этган. Сиз, уз раҳбарлари бошчилигида машғулотлар утказаётган мактабнинг ёш адабиётчилари, табиатшунослари ва спортчиларини кўриб турибсиз.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Хулосаси...

ЯПОН ЎҚУВЧИСИНИНГ ХОҲИШИ... УЙҚУ

Япон болалари уйқуга тўймайдилар, тезда чарчайдилар ва кўчада сайр этмайдилар, деган хулосага келди Японияда ги РЭНГО илмий-текшириш институти. 10—15 ёшли ўқувчилар бўш пайтларини қандай ўтказадилар, деган саволга «ҳеч қандай» жавоби келиб чиқди. Хулоса шуки, 9-синфда ўқийдиган бола синфхонада 7,5 соат ўтирса, қарийб яна 6 соат факультатив дарсларида ҳам қатнашади. Ҳаммаси бўлиб 13 соатлик иш куни келиб чиқади. Шу сабаб, улар уйинга қоладиган вақтларини уйқуга ажратадилар. Болаларнинг 70 фоизи «катта бўлсаларинг қандай яшамоқчисизлар» саволига шундай жавоб беришди: «Тинч яшашни ва кўпроқ ухлашни хоҳлаймиз!»

121 ЁШЛИ МОМО ВА 141 ЁШЛИ БОБО

Сайёрамизнинг энг ёши улуғи францияли Жанна Луиза Калман ҳисобланиб, ҳатто у Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Яқинда у 121 ёшини нишонлаганди. Қарангки, непаллик Бир Нараян Чаудхари францияли момодан 20 ёш катта экан. Лекин бобода ёшини тасдиқлайдиган ҳужжат йўқ. Непалда 141 йил аввал гувоҳномалар бўлмаган экан, деб хабар беради «India today» журнали.

КЎРИНМАС ОВЧИЛАР

Лондондан 150 км узоқликда Клофил деган узоқ тарихга эга бўлган жой мавжуд. Бу ерда тулки овлаш азалдан севимли машғулот ҳисобланган. Ҳар йили анъанавий ов бошланадиган XII асрда қурилиб, ҳозирда вайронага айланган ибодатхонада итларнинг вовиллаши, югураётган отлар дупури эшитилади. Лекин бу ерда ҳеч ким на итларни, на отлар ва на овчиларни кўришган. Полиция бир неча бор пистирма қўйди, бироқ ҳеч нарса ва ҳеч кимни топишолмади. Лекин бу овозларни одамлар аниқ эшитишларини доим таъкидлашади. Маҳаллий халқ эса аждодлари ов қилишаётганини фахр билан изоҳлашади.

«ЛЕГО» ЎЙИНИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Вильнюслик 5 яшар Мантас Йонушис исмли болага «Лего» ўйини бўйича жаҳон чемпионатида қийин конструкторни таклиф қилишди. Боланинг жаҳли чиқиб, йиғлашга тушди. Онаси ва ўйин ташкилотчилари болани ўйинга кириши учун 45 минут авраштди. Ниҳоят ҳаяжон билан ўйинга киришган болакай 45 минут ичида бундай конструктордан иккитасини ясаб ташлаганда фирманинг «шеф»лари ҳам ёқа ушлашди. Болакай жаҳон чемпиони бўлди ва ўзига совға сифатида энг қийин — автомобилнинг конструкторини танлади.

ана шунақа гаплар.

Китоб — ҳамроҳимиз

ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАР

Яқинда «Камалак» нашриётида ёш мунаққид Муртазо Қаршибойнинг «Ўнгланмаган тақдир талқини» китоби чоп этилди. Мазкур китобга мунаққиднинг янгича қарашлари ва мулоҳазалар даври бўлган, кейинги тўртбеш йил ичида ёзган «Бир ишқ, ҳам чин бир ишқ», «Жунунга мойил кўнгил», «Солиҳ маҳдум фариштами?», «Номаълум одам» ким эди?», «Ўнгланмаган тақдир талқини», «Шеърнинг инкор йўли», «Чақмоқ ёруғида ёзилган шеърлар» сингари адабий-танқидий мақолалари жамланган. Мақолаларда муаллиф ўзбек адабиётининг сара намуналари ҳақидаги кузатишларини ва ёшлар шеириятига хос хусусиятлар тўғрисида баҳс юритувчи фикрларини баён этади.

Китобча адабиёт муаллимлари учун ҳам қўл келиши ва дарс жараёнида асқотиши, шубҳасиз.

Футбол

ЯРИМ ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Республикамизнинг футбол жамоалари ўртасида «Ўзбекистон кубоги учун» баҳслар қизғин паллага кирди. 20 октябрь куни ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда МХСК жамоалари куч синашдилар. Учрашув майдон эгаларининг устунлиги билан бошланди. Бу тез орада уз натижасини берди. Ўйиннинг тўққизинчи дақиқасида МХСКнинг 9-рақамли ўйинчиси Рустам Абдуллаев ҳисобни очди. Шундан сўнг ўйин суръати тенглашди. «Пахтакор»да жонланиш юз берди. Биринчи бўлимнинг охирларида улар ҳисобни тенглаштирдилар.

Ўйиннинг иккинчи бўлими «Пахтакор»нинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Шундай ҳужумлардан бири гол билан якунланди. Бу тўпни «Пахтакор»нинг ёш иқтидорли ҳужумчиси Дилмурод Назаров киритди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларигача «Пахтакор» фаол ҳаракат қилди. Бу ўринда армиячилар ҳам суст ўйин кўрсатишмади. Бир, икки марта МХСКнинг ҳужумчилари тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди, бироқ улардан омад юз ўгираверди. МХСК ўйинчилари бир неча қулай имкониятлардан фойдалана олмадилар. Учрашувнинг тугашига беш дақиқа қолганда МХСК ўйинчиси Рустам Дўрмонов ҳисобни тенглаштирди.

Шундай қилиб муросасиз кечган «жанг» дуранг (2:2) билан якунланди.

Шу куни яна бир ҳал қилувчи ўйин бўлиб ўтди. Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси Фарғонанинг «Нефтчи» клубини қабул қилди. Ўйин 1:0 ҳисобида «Дўстлик» фойдасига ҳал бўлди. Тўпни «Дўстлик» командасининг тўпурари Жаъфар Ирисметов киритди. Энди жавоб учрашувлари 2 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

«АЙЛАНАЙИН» ФЕСТИВАЛИ – ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Болаларнинг турли миллатлар ва элатлар санъати, маданияти ва урф-одатларига бўлган ҳурмат-эътиборларини ошириш ҳамда улар ўртасида дустлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида республика Ўқувчилар саройининг Тўйчи Иноғомов номидаги «Доирачилар дастаси» аъзолари қардош Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳрида ўтказиладиган «Айналайин» I-халқаро болалар ижодий фестивалида иштирок этиш учун сафарга жўнайдилар.

Фестиваль шу йилнинг 30 октябрида бошланади ва 4 ноябрга қадар давом этади. Анжуманда Санжар Алимов (84-мактаб), Нодир Тўлаганов (45-мактаб), Умид Турсунов (243-мактаб), Улуғ Тўхтасинов (20-мактаб) сингари пойтахт мактабларида таълим олаётган 18 ўқувчи иштирок этади. «Доира дастаси»га Холмурод Исломов ва Муҳаббат Шербўтаевалар бадиий раҳбарлик қиладилар.

Ижодий сафар чоғида ёшлар қардош республиканинг маданий ёдгорликлари, тарихий урф-одатлари, анъаналари билан танишадилар. Шунингдек, маънавият ва маърифат масканларида бўлишиб, диққатга сазовор жойлар, обидалар, тарихий ёдгорликларни томоша қиладилар. Энг асосийси, хорижий ўртоқлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғлайдилар.

Д. ХУЖАЕВА.



«СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ЙИЛНОМАСИ»
ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида баён этилган воқеа-ҳодисалар саналарини топиб, шаклда белгиланган хонадан ҳарф атрофига ёзиш билан машқни ҳал этинг.

Амир Темур таваллуд топган йил **Б.** Хоразмга икки бор элчилар юборилган сана. В. Самарқандда катта қурултой чақирилиб, Темур давлатининг ташкил топиши. **Г.** Шоҳи зинда Туғлуқ тегин мақбараси қурилган йил. Д. Боғи беҳишт чорбоғи ва қасри қурилган сана. **Е.** Амир Темур Хоразмга тўртинчи марта юриш қилган сана. **Ж.** Шаҳрисабзда Оқ сарой қасри қурилиши бошланган йил. **З.** Соҳибқирон ҳузурида бўлган испан сайёҳи Руи Гонзалес Клавихонинг сафар хотиралари «Буюк Темур тарихи» номи билан нашр этилган сана. **И.** Сеистонда Шоҳ Қутбиддин исёни бўлиб, Амир Темур унга қарши қўшин тортган ва Қандаҳор бўйсундирилган йил. **Й.** Хоразм узил-кесил бўйсундирилган сана. **К.** Ҳазрат шайхулислом, Соҳибқиронинг пири бўлган Зайниддин Тойободийнинг вафот этиши. **Л.** Ҳиндистон муҳорабаси бошланган йил. **М.** Дашти қипчоққа катта ҳарбий юриш бўлиб Тўхтамишхон тор-мор келтирилган сана. **Н.** Форс ва ироқи араб устига қилинган беш йиллик юриш бошланган сана. **О.** Амирзода Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллуд топган йил. **П.** Амир Темурнинг Мовароуннаҳр сари йўлга тушган йил. **Р.** Соҳибқиронинг Яссига бориб Аҳмад Яссавий мозорини зиёрат қилиб, уни таъмирлаш, бу ерга бир олий бино қуришни буюрган ва вақфлар тайин этган сана. **С.** Ироқи араб ва Шом устига уюштирилган етти йиллик ҳарбий юриш бошланган йил. Т. Таниқли тарихчи олим ва адиб Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи нашр этилган сана. **У.** Тарихчи ва шоир Шарафиддин Али Яздийнинг Темур тарихига оид «Зафарнома» асарини ёзиб тугаллаган йил. **Ф.** Халаб билан Димишқ устига юриш бошланган сана. **Х.** Умавийларнинг Димишқ масжидида Султон Маҳмудхон ва Амир Темур номига хутба ўқилиши, уларнинг номи билан пул зарб этилиши. **Ч.** Анқурия (Анқара) ёнида уруш бўлиб Боязид I Йилдирим тор-мор келтирилган йил. **Ш.** Гўри Амир мақбарасининг қурилиши бошланган сана. **Э.** Форснинг ишғол қилиниб Музаффарийлар сулоласининг тугатилиши ва Боғдод шаҳри ишғол этилган сана. **Я.** «Темур тузуклари» асари ўзбек тилида тўлиқ нашр этилган йил. **Ў.** Тошкентда Амир Темур ҳайкали ўрнатилган сана. **Ҳ.** Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси саҳналаштирилган йил.

Фозилжон ОРИПОВ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил ноябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари — 4—30 ноябрь — ўзбек тилида.
2. Ўрта мактаб директорлари — 4—30 ноябрь — ўзбек тилида.
3. ВПХМОИ ЧЁТ раҳбарлари — 4—16 ноябрь — рус тилида.
4. Янги тур мактаб химия-биология ўқитувчилари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
5. Халқ педагогикаси муаллифлар курси ВПХМОИ кафедра мудирлари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
6. ВПХМОИ тарих кабинети методистлари — 18—30 ноябрь — ўзбек тилида.
7. Рус мактабларининг олий ва 1-тоифали рус тили ва адабиёти ўқитувчилари — 4—16 ноябрь — рус тилида.
8. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувидан мақсадли курс — 18—30 ноябрь — ўзбек тилида.
9. Янги турдаги мактаб илмий бўлим мудирлари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
10. Бошланғич синф ўқитувчиларининг методбирлашма раҳбарлари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
11. Тарихни ўқитиш йўриқномаси бўйича курс — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
12. Физикани чуқур ўрганадиган мактаб физика ўқитувчилари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
13. Жисмоний тарбия методбирлашма раҳбарлари — 4—16 ноябрь — ўзбек тилида.
14. Олий ва 1-тоифали меҳнат ўқитувчилари (дурадгорлик) — 4—30 ноябрь — ўзбек тилида.
15. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари — 4—9 ноябрь — ўзбек тилида.
16. Биология дарсларида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш — 18—30 ноябрь — ўзбек тилида.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 4—6 ноябрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Саидов кучаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

ТЕЛЕФОН: 46-06-62, 46-06-67.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 2—30 ноябрь 1996 йилда навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муасасаларининг мудиралари, мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 2. XI — 30. XI. 96 йил.
2. ВУМОИ кабинет мудирлари, қисқа муддатли курс — 5.XI — 16 XI.96 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2—6 ноябргача қабул қилинадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Саидов кучаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

ТЕЛЕФОН: 46-98-04, 46-90-94.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.